

**«YUNUSOBOD DEHQONBOZORI» АЖ
акциядорларининг навбатдаги умумий йигилиш
БАЁНИ**

2020 йил 19 май

**Тошкент шахри.
соат 12-00**

Ўтказилган жойи: Тошкент шахри, Юнусобод тумани, Юнусобод 3-мавзеси.

Акциядорларнинг 2019 молиявий йил якуни бўйича умумий йигилиши Тошкент шахар Юнусобод тумани, Юнусобод 3-мавзеси, жамиятнинг маъмурий биносида 2020 йил 19 май куни ўтказилди. Йигилишда 622723 овозга эга 7 та акциядор қатнашди, бу жами акциядорларнинг 95,19% ни ташкил этади, йигилиш ўтказиш хукукига эга.

Жамият Устав жамғармасининг 94,33 %га эгалик қилувчи Тошкент шахар хокимияти номидан ишончнома асосида Тошкент шахар “Муниципиал активларни бошқариш маркази” ДУК томонидан 2020 йил 15 майда берилган №01-21/2419-сонли ишончномага асосан “Бозорлар ва савдо комплекслари департаменти” бошлиги ўринбосари Ганиев Дилмурод Иркинович қатнашди.

Йигилиши раёсатига бир овоздан қўйидагилар сайландилар:

Ганиев Д.И. - “Муниципиал активларни бошқариш маркази” ДУК Департамент бошлиги ўринбосари,

Камолов Т.К. – Тошкент шаҳар ҳокимлиги “Муниципиал активларни бошқариш маркази” ДУК бош мутахассиси, жамият кузатув кенгаши аъзоси,

Убайдуллаев А.З – «Юнусобод дехкон бозори» АЖ директори в.б

Йигилиши котибиятига бир овоздан қўйидагилар сайландилар:

Э.Б.Кучаров

Йигилиши саноқ ҳайъатига қўйидаги ходимлар:

Зокирова Феруза, Алимова Нигорава ва Юлдашева Шохноза сайландилар.

Йигилишга «Юнусобод дехкон бозори» АЖнинг кузатув кенгаши аъзоси Камолов Толмас Каримович раислик қилди.

Йигилиш кун тартиби:

1. Жамиятнинг ижроия органи ва кузатув кенгашининг йиллик ҳисоботини, жамиятни ривоҷлантириши стратегиясига эришиши бўйича кўрилаётган чора-тадбирлар тўғрисидаги ҳисоботларини эшитиши.
2. Жамиятнинг 2019 йил молиявий-хўжалик фаолияти якуни юзасидан ташқи аудиторлик текшируви хulosасини кўриб чиқиши.
3. Жамият тафтиши комиссиясининг ўз ваколат доирасига кирадиган масалалар, шу жумладан жамиятни бошқаришга доир қонун ҳужжатларида белгиланган талабларга риоя этилиши юзасидан хulosалари.
4. Жамиятнинг 2019 йил якуни бўйича йиллик ҳисоботини тасдиқлаши.
5. Жамиятнинг 2019 йил якуни бўйича фойда ва зарарлари ҳисоб варагини тасдиқлаши, унинг фойдасини тақсимлаши.
6. Жамиятнинг 2020 йилга мўлжалланган «Бизнес-режаси»ни, ҳамда “Даромадлар ва харажатлар сметаси режаси”ни тасдиқлаши.
7. Жамиятнинг директорини сайлаши.
8. Жамиятнинг Кузатув кенгашини сайлаши.
9. Жамиятнинг Тафтиши комиссиясини сайлаши.
10. Жамиятда ўтказилган Корпоратив бошқарув тизимини баҳолаш натижаларини кўриб чиқиши.
11. Жамиятнинг ташкилий тузилмасига ўзгартириши киритиши ва қайта тасдиқлаши.
12. Жамиятнинг янги таҳрирдаги Уставини тасдиқлаши.
13. Жамиятнинг “Умумий йигилиши ҳақида”ги Низомига ўзгартириши киритиши ва тасдиқлаши.
14. Жамиятнинг “Кузатув кенгаши ҳақида”ги Низомига ўзгартириши киритиши ва тасдиқлаши.

15. Жамиятнинг 2020 йил фаолияти учун жамият Аудиторини тасдиқлаш ва унга тўланадиган ҳақининг энг кўп миқдори чегарасини белгилаш.

Йигилиш регламенти қуидагича тасдиқланди:

Асосий масалаларга 10 минутгача.

Сўзга чиқувчиларга 3 минутгача.

Йигилиш кун тартибидаги **биринчи** масала бўйича жамият директори (жамият раҳбари) Убайдуллаев Алишер Зинатуллаевичнинг хисоботи тингланди. Жамият раҳбари ўз хисоботида 2019 йил якуни бўйича амалга оширилганишлар, эришилган ютуклар ва мавжуд камчиликлар, 2020 йилга режалаштирилган ишлар хақида хисбот берди, жумладан жамият томонидан, 2019 йил якуни бўйича «Бизнес режага» мувофиқ тасдиқланган даромадлар ва харажатлар сметасидаги 9 310 800,0 минг.сўм белгиланган амалда жами даромад режасини 10 199 236,3 минг.сўмга ёки 109,54 %га яъни 888 436,3 минг.сўмга кўп бажарилгани, жумладан, даромад манбалари бўйича: жой ҳаки режаси 4 354 650.0 минг.сўм режалаштирилган, амалда 4 618 116.0 минг.сўм ёки 106,05 %га ёки 263 466.2 минг.сўмга кўп бажарилгани, хизмат ҳаки режаси 2 166 450.0 минг.сўм бўлган ҳолда, амалда 2 357 499.0 минг.сўмга яъни 108,81 %га бажарилгани, ижара ҳаки режаси 2 464 000.0 минг.сўм бўлган амалда 2 744 570.1 минг.сўм этиб ёки 111,38 %га бажарилгани, инфратузилма даромади режаси 57 500.0 минг.сўм бўлган ҳолда, амалда 58 476.3 минг.сўм этиб ёки 101,69 %га бажарилгани, коммунал хизматлари даромад режаси 261 000.0 минг.сўм, амалда 294 977.3 минг.сўм этиб ёки 113,01 %га ва бошқа даромадлар режаси 7 000.0 минг.сўм. бўлган ҳолда, амалда 125 597.4 минг.сўм., режага нисбатан 118 597.4 минг.сўмга куп, яъни 179,42 % бажарилганлиги ҳақида хисбот берди.

Мажбурий харажатлар ўз аксини қуидагича топди, яъни жами даромад режага нисбатан ошгани сабабли, даромадга боғлиқ мажбурий ажратмалар хам режага нисбатан кўп ажратилгани, жумладан давлат бюджетига 50% ажратма режадаги 4 655 400.0 минг.сўм, амалда 5 099 618.2 минг.сўм яъни 109,54 %га ёки 444 218.2 минг.сўмга кўп ажратилганлигини маълум қилди.

Жорий харажатлардан, ойлик маоши режаси 2 296 900.0 минг.сўм, амалда 2 222 988.3 минг.сўм, режага нисбатан -73 911.7 минг.сўм. кам сарфланганлигини, у билан боғлиқ 25% ажратма харажати режаси 532 225.0 минг.сўм миқдорида белгилангани, амалда 537 926.1 минг.сўм сарфлангани, режага нисбатан 5 701.0 минг.сўм. кўп сарфланганлигини, сув ва канализация режаси 100 500.0 минг.сўм, амалда 98 596.0 минг.сўм, режага нисбатан -1 904.0 минг.сўм. кам сарфлангани, Электр куввати учун 384 000.0 минг.сўм. режалаштирилган бўлса, амалда 484 767.4 минг.сўм., режага нисбатан 100 767.4 минг.сўм кўп сарфлангани, Дезинфекция харажатлари режада 12 000.0 минг.сўм, амалда 9 149.8 минг.сўмга, режага нисбатан -2 850.2 минг.сўмга кам сарфлангани, Maxsustrans режада 240 000.0 минг.сўм, амалда 232 136.8 минг.сўмга, режага нисбатан -7 863.2 минг.сўмга кам сарфланди, телефон харажатлари режа бўйича 7 200.0 минг.сўм, амалда эса 7 842.8 минг.сўмга, яъни 642.8 минг.сўм куп маблаг ишлатилиб, муниципиал милиция учун харажатлар режаси 199 000.0 минг.сўм, амалда 200 833.8 минг.сўм, режага нисбатан 1 833.8 минг.сўм. кўп сарфлангани, асосий воситаларнинг эскириши режаси 98 500.0 минг.сўм, амалда 91 108.1 минг.сўм яъни -7 391.9 минг.сўм кам сарфлангани, банк фоизи хизмати режада 18 000..0 минг.сўм, амалда 12 379.3 минг.сўм, режага нисбатан -5 620.7 минг.сўмга кам сарфлангани, бошқа харажатлар режаси 43 000.0 минг.сўм бўлсада, амалда 219 043.1 минг.сўм, режага нисбатан 176 043.1 минг.сўмга кўп харажат килинганлигини, тарнспорт харажати режада 25 400.0 минг.сўм, амалда 15 000.0 минг.сўм, режага нисбатан -10 399.4 минг.сўм кам сарфланган, жорий таъмирлаш режада 265 000.0 минг.сўм, амалда 551 529.4 минг.сўм, режага нисбатан 286 529.4 минг.сўм кўп сарфланган (сабаби 2019 йилда авторуаргохга асфальт ётқизилганлиги учун харажат ошган), жами харажатлар режаси 4 265 925.0 минг.сўм. амалда 4 730 450.6 минг.сўмга, режага нисбатан 464 525.6 минг.сўмга кўп харажат килинган, соф фойда режаси 389 475.0 минг.сўм, амалда 369 167.6 минг.сўм, режага нисбатан 20 307.4 минг.сўмга кам бажарилганлигини маълум қилди.

Бу асосан қўйида келтириб ўтилган сабаблар эвазига юзага келганлигини таъкидлаб ўтди:

-жорий таъмирлаш режаси 265000.0 минг.сўм, амалда 551529.4 минг.сўм, режага нисбатан 286529.4 минг.сўм кўп сарфланган.

- электро-энергия режа 384000.0 минг сўм, амалда 484767.4 минг сўм, режага нисбатан 100767.4 минг сўм кўп сарфланган.

- муниципал милияия ходимлари учун режа 199000.0 минг сўм, амалда 200833.8 минг сўм, режага нисбатан 1833.8 минг сўм кўп сарфланган.

- бошқа харажат учун режа 43000.0 минг сўм, амалда 219043.1 минг сўм, режага нисбатан 32577.1 минг сўм кўп сарфланган.

Сўнгра сўзга йиғилиш катнашчиси Ганиев Д. чиқиб, жамият раҳбарияти томонидан дебитор ва кредиторлик қарздорликлари миқдорини камайтириш бўйича зарурий ишларни амалга ошириш зарурлигини, зарурият тугилган ҳолда қарздорликларни ундириш максадида суд идораларига мурожаат этиш лозимлигини таъкидлаб, жамият раҳбарига мурожаат этди.

Берилган саволларга маърузачилар жавоб олганларидан сўнг, раислик қилувчи акциядорлардан ушбу масала бўйича овоз бериш бюллетенларига ўз муносабатларини билдиришларини сўради.

Йиғилиш кун тартибидаги **иккинчи** масала бўйича «AUDIT-RUMANS» аудиторлик ташкилоти МЧЖнинг 2019 йил якуни бўйича ўтказилган аудит текшируви хулосаси юзасидан жамият бош хисобчиси М.М.Мавлянова сўзга чиқди ва аудит текшируви натижасига кўра, жамият молиявий ва хўжалик фаолияти, хамда бухгалтерия хисботлари Ўзбекистон Республикасидаги конунчилигига мувофиқ келиши хақида хисбот берди ва 2020 йил 9-марта ижобий хулоса берилгани хақида маълумот берди (*аудиторлик текшируви хулосаси илова қилинади*).

Раислик қилувчи акциядорлардан ушбу масала бўйича овоз бериш бюллетенларига ўз муносабатларини билдиришларини сўради.

Йиғилиш кун тартибидаги **учинчи** масала бўйича жамиятнинг тафтиш комиссияси хулосасини жамият бош бухгалтери М.М.Мавлянова сўзга чиқиб, йиғилиш қатнашчиларини таништириди. Жумладан, ушбу хулосада жамият тафтиш комиссияси томонидан амалга оширилган тафтишга хамда жамият ташки аудитори «AUDIT-RUMANS» МЧЖнинг 2020 йил 09 марта ижобий аудиторлик хулосасига асосланиб:

- Аддия вазирлиги томонидан 17.12.1998 йилда 565-сон билан рўйхатга олинган «Юридик шахслар томонидан касса операцияларини амалга ошириш қоидалари», пул маблағларини хисобга олишни тартибга солувчи бошқа меъёрий-хуқуқий хужжатларга амал қилинганлиги;

- Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 17.11.1999 йилги «Мехнат хақи юзасидан хисоб китобларни ўз вактида амалга оширилиши юзасидан министрликлар, идоралар ва хўжалик юритувчи субъектлар раҳбарларини жавобгарлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори талабларини бузиш ҳоллари аниқланмаганлиги;

- Жамият томонидан Ўзбекистон Республикасининг 21.12.2004 йилги «Фуқароларнинг жамғарид бориладиган пенсия таъминоти тўғрисида»ги Қонуни талаблари бажарилмокда. Жамиятда асосий иш жой Жамият хисобида ишловчиларнинг барчасига Халқ банки бўлимида пенсия дафтарчалари очилиб, Халқ банкига хар ойда маблағлар ўтказиб келинаётганлиги;

- Тафтиш комиссия аъзолари аудитор текшируви хулосаларига таяниб, жамиятнинг 2019 йил молиявий-хужалик фаолиятининг даромадлар ва харажатлар хисботи ва балансидаги маълумотларининг хакконийлиги тасдикланганлигини;

- 2019 йил давомида аффилланган шахслар билан йирик битимлар тузилмаганлигини хақида маълум қилди (*тафтиши хайъатининг хулосаси илова қилинади*).

Раислик қилувчи акциядорлардан ушбу масала бўйича овоз бериш бюллетенларига ўз муносабатларини билдиришларини сўради.

Кун тартибидаги **тўртинчи** масала бўйича жамият бош хисобчиси М.М.Мавлянова сўзга чиқиб, жамиятнинг 2019 йил якуний баланси бўйича ахборот берди.

Жумладан,

Бухгалтерия баланси

Кўрсаткичлар номи	Хисбот даври бошига		Хисбот даври охирига	
	Актив	Пассив	Актив	Пассив
Асосий воситалар бошлангич киймати	2447076.0		24737270	

Эскириш суммаси	931667		861505.0	
Қолдик қиймати	1515409,0		1612222.0	
Узок муддатли инвестициялар	26246,0		20993.0	
Узок муддатли кечикирилган харажатлар	545551,0			
Ишлаб чикариш захиралари				
Тугалланмаган ишлаб чикариш				
Товар-моддий захиралари	35516,1		75800.0	
Дебиторлар, жами	1225040,0		635291.0	
Пул маблағлари, жами	266155,0		528778.0	
Киска муддатли инвестициялар	126333,0		116333.0	
Бошқа жорий активлар				
Устав капитали		845000,0		845000.0
Резерв капитали		1059976,0		1074685.0
Тақсимланмаган фойда		101991,0		369167.0
Мақсадли тушумлар				
Кредиторлар		889028,0		700565.0
Киска муддатли карзлар		844300,0		0
Баланс	3740295,0	3740295,0	2989417.0	2989417.0

Молиявий натижалар:

Кўрсаткичлар номи	Ўтган йилнинг шу даврида		Хисобот даврида	
	Даромад-лар	Харажат-лар	Даромад-лар	Харажат-лар
Махсулот (товар, иш ва хизмат) ларни сотишдан тушган соф т ушум	6016371,2	X	10073639.0	X
Сотилган махсулот (товар, ишвахизмат)ларнинг таннаҳхи	X	279121,0	X	
Махсулот (товар, ишвахизмат)ларни сотишнинг ялпи фойдаси (зарари)	5737250,2		10073639.0	
Давр харажатлари жами	X	3663892,3	X	4730451.0
Маъмурий харажатлар	x	855638,3	x	2816999.0
Бошка операция харажатлари	x	2808254,0	x	1913452.0
Асосий фаолиятининг бошка даромадлари	1656296,8	x	123273.0	x
Умумхужалик фаолиятнинг фойдаси (зарари)	3761656,6	x	5466461.0	x
Даромад (фойда) соликини тўлангунга қадар фойда (зарар)	3761656,6	x	5468786.0	x
Даромад (фойда) солики	X	3659665,3	X	5099619.0
Хисобот даврининг соф фойдаси (зарари)	101991,3	0.0	369167.6	0.0

Раислик қилувчи кўрилган масала бўйича овоз бериш бюллетенларига ўз муносабатларини билдиришларини сўради.

Кун тартибидаги **бешинчи** масала бўйича жамият бош хисобчиси М.Мавлянова сўзга чиқиб, “Юнусобод дехқон бозори” АЖ 2019 йил якупнари бўйича соф фойда режаси 389475.0 минг.сўм этиб режалаштирилган, лекин 2019 йил якупнари бўйича соф фойда амалда 369167.6 минг.сум, режага нисбатан -20307.4 минг.сўмга кам фойда олинганлигини айтиб, олинган соф фойдани 95 % кисмини яъни 350709.2 минг сўмни акциядорларга дивидент, 5% кисмини яъни 18458.4 минг сўмни жамият захира жамгармасига йўналтириш таклифини киритди.

Раислик қилувчи акциядорлардан ушбу масала бўйича овоз бериш бюллетенларига ўз муносабатларини билдиришларини сўради.

Йиғилиш кун тартибидаги **олтинчи** масала бўйича жамият бош хисобчиси М.Мавлянова сўзга чиқиб, жамиятнинг 2020 йилга режалаштирилган “Бизнес-режаси” билан танишитирди ва бизнес режада жамият томонидан 2020 йилда олинадиган даромадлар келтирилганлиги, бугунги кунда давом этаётган пандемия вақтида имкон қадар даромадларни камайтирмаслик чоралари кўрилаётганилиги, шу мақсадда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 18 майдаги 370-сонли қарорига асосан “Объектларни қайта ихтисослаштириш ва реконструкция қилишга 15 август 2019 йилда берилган № 11622275/1-сонли рухсатномасига ва Тошкент шаҳар қурилиш Бош бошқармаси бошлигининг ўринбосари А.А.Хасанов томонидан 26.11.2019 йил “Тасдиқланган” архитектура режалаштириш топшириғига асосан 2020 йилда “Юнусобод дехқон бозори” АЖ даромодларини ошириш учун жамият худудида 44 савдо дукон

курилиш ишларини олиб бориш режалаштирилганлиги ҳамда “2020 йил учун даромадлар ва харажатлар сметаси режаси” билан йигилиш қатнашчиларини танишитирди. Жумладан, бизнес-режасидаги 2020 йилга режалаштирилган ишлар, даромад олиш манбалари, соф фойда режаси йигилиш иштирокчилари томонидан муҳокама этилди. (“Бизнес-режса” ва “Даромадлар ва харажатлар сметаси режаси” тўлалигича илова қилинади).

Маърузачининг берилган саволларига олинган жавобидан сўнг, раислик қилувчи акциядорлардан ушбу масала бўйича овоз бериш бюллетенларига ўз муносабатларини билдиришларини сўради.

Кун тартибидаги **еттинчи масала** юзасидан мажлис раиси сўзга чиқиб, Ўзбекистон Республикасини амалдаги «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг хуқуқларини химоя қилиш тўғрисида» ги қонуни ва Кузатув Кенгаши хисбот йили якуни бўйича жамиятнинг ижроия органи раҳбари, директори этиб Убайдуллаев Алшер Занатуллаевич сайлаш тўғрисидаги ўз хulosасини акциядорларни навбатдаги умумий йифилиши қатнашчиларига танишитирди.

Мажлис қатнашчиларидан акциядор Н.Истроилова сўзга чиқиб ҳозирги кунда жамиятда 2019 йил июн ойида бери директори вазифасини вактинча бажарувчи бўлиб ишлаб келаётган А.З.Убайдуллаев шу давир ичida тадбиркор ва сотувчиларга қўлайликлар яратганлиги, шохобчаларда таъмирлаш ишлари олиб борилганлигини, кунлик тушумларни оширганлиги ва бошқа амалага ошираётган ишлари тўғрисида гаприб ўтди.

Жамият директори вазифасини вактинча бажарувчи бўлиб ишлаб келаётган А.З.Убайдуллаевнинг амалага ошираётган ишлари 2020 йил давомида амалга ошириладиган режалари билан танишиб, жамият директори А.З.Убайдуллаевни директори этиб сайлаш ва меҳнат шартномасини тузиш керакли тўғрисидаги таклифни йифилиш аъзоларига кумулятив тарзда овоз беришларини эътироф этиб ўтди.

Мажлис раиси ушбу масала бўйича бошқа савол ва таклифлар бўлмаганлиги муносабати билан акциядорлардан ушбу масала бўйича бюллетен орқали ўз муносабатларини билдиришларини сўради.

Раислик қилувчи кун тартибидаги **саккизинчи** масалага ўтиб, 2020 йилда жамиятнинг Кузатув Кенгаши аъзолигига номзодлар тарқатилган овоз бериш бюллетенларида келтирилганлигини билдириб, акциядорлардан ушбу масала бўйича кумулятив овоз бериш йўли билан овоз бериш бюллетенларида ўз муносабатларини билдиришларини сўради.

Раислик қилувчи кун тартибидаги **тўққизинчи** масалага ўтиб, жамиятнинг Тафтиш комиссияси аъзолигига номзодлар тарқатилган овоз бериш бюллетенларида келтирилганлигини билдириб, акциядорлардан ушбу масала бўйича овоз бериш бюллетенларида ўз муносабатларини билдиришларини сўради.

Кун тартибидаги **ўнинчи** масала юзасидан жамият қимматли қофозлар бўйича мутахассис Э.Кучаров сўзга чиқиб, жамиятда Корпоратив бошқарув тизими самарадорлигини баҳолаш ўтказилганлигини, “Корпоратив бошқарувтизими самарадорлигини баҳолаш натижаларига кўра “Юнусобод дехкон бозори” АЖ - 250 йигиб, унга “паст“ баҳо берилганлигини, фоиз жихатидаги якуний баҳоси -21 % ташкил этганини айтиб ўтди ва йифилиш қатнашчиларини хulosса билан танишитирди.

Раислик қилувчи акциядорлардан ушбу масала бўйича овоз бериш бюллетенларида ўз муносабатларини билдиришларини сўради.

Кун тартибидаги **ўн биринчи** масала бўйича раислик қилувчи сўзга чиқиб, жамият ижроия органи ва Кузатув кенгаши томонидан ҳозирги кундаги давр талабларидан келиб чиқган ҳолда ҳамда жамиятнинг молиявий-хўжалик ҳолатини кўтариш, малакали кадрларни жалб этиш ва бошқа зарурий жамиятнинг ташкилий тузилмасига ўзгартиришлар киритиб, тасдиқлаш таклифи киритилганлигини айтиб, янги таклиф этилаётган ташкилий тузилма билан йифилиш қатнашчиларини танишитирди.

Раислик қилувчи акциядорлардан ушбу масала бўйича овоз бериш бюллетенларида ўз муносабатларини билдиришларини сўради.

Кун тартибидаги **ўн иккинчи** масала юзасидан жамият қимматли қоғозлар бўйича мутахассис Э.Кучаров сўзга чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 20 мартағи **ЎРҚ-531** -сонли қонунига мувофиқ “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорлар хукукларини химоя қилиш тўғрисидаги Конуни”га ўзгартиришлар киритилганини инобатга олиб, жамият уставини янги таҳрирда тайёрланганини маълум қилди ва мажлис қатнашчиларини янги таҳрирдаги Устав лойихаси билан танишитирди.

Раислик қилувчи акциядорлардан ушбу масала бўйича овоз бериш бюллетенларида ўз муносабатларини билдиришларини сўради.

Кун тартибидаги **ўн учинчи** масала юзасидан жамият қимматли қоғозлар бўйича мутахассис Э. сўзга чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 20 мартағи **ЎРҚ-531** -сонли қонунига мувофиқ “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорлар хукукларини химоя қилиш тўғрисидаги Конуни”га ўзгартиришлар киритилганини инобатга олиб, жамиятнинг “Умумий йигилиши ҳақида”ги Низомига ўзгартиришлар киритиш заруряти юзага келганлигини айтиб, киритилаётган ўзгартиришлар матни билан танишитирди.

Раислик қилувчи акциядорлардан ушбу масала бўйича овоз бериш бюллетенларида ўз муносабатларини билдиришларини сўради.

Кун тартибидаги **ўн тўртинчи** масала юзасидан жамият қимматли қоғозлар бўйича мутахассис Э.Кучаров сўзга чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 20 мартағи **ЎРҚ-531**-сонли қонунига мувофиқ “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорлар хукукларини химоя қилиш тўғрисидаги Конуни”га ўзгартиришлар киритилганини инобатга олиб, жамиятнинг “Кузатув кенгаши ҳақида”ги Низомига ўзгартиришлар киритиш заруряти юзага келганлигини айтиб, киритилаётган ўзгартиришлар матни билан танишитирди.

Раислик қилувчи акциядорлардан ушбу масала бўйича овоз бериш бюллетенларида ўз муносабатларини билдиришларини сўради.

Кун тартибидаги **ўн бешинчи** масала юзасидан жамият қимматли қоғозлар бўйича мутахассис Э.Кучаров сўзга чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 20 мартағи **ЎРҚ-531** -сонли қонунига мувофиқ “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорлар хукукларини химоя қилиш тўғрисидаги Конуни”га ўзгартиришлар киритилиши муносабати билан жамият аудиторини тасдиқлаш ва унга тўланадиган ҳакининг энг кўп миқдори чегарасини белгилаш акциядорларнинг умумий йигилиш ваколатига берилиши муносабати билан аудиторлик текширувани ўтказилиши бўйича танлов эълон қилингандигини ва шунга асосан қуйидаги ташкилотлардан таклифлар тушганини айтиб ўтди:

- | | |
|-------------------------|----------------|
| 1. “AUDIT-RUMANS” MCHJ | - 5500000 сўм, |
| 2. “FTE-LEA-AUDIT” MCHJ | - 6500000 сўм. |
| 3.”NAZORAT-AUDIT” MCHJ | -7200000 сўм |

Раислик қилувчи акциядорлардан ушбу масала бўйича овоз бериш бюллетенларида ўз муносабатларини билдиришларини сўради.

Раислик қилувчи умумий йигилиш кун тартибидаги барча масалалар кўриб чиқилганини айтиб, овоз бериш натижалари саноқ хайъати томонидан аниклангунга қадар танаффус эълон қилди.

(танаффусдан сўнг)

Саноқ хайъати йигилиш қатнашчиларини овоз бериш натижалари билан танишитирди.

1-масала	2-масала	3-масала
Ёқлаган 622723 –100 % қарши 0 – 0% Бетараф 0 -0%	Ёқлаган 622723 – 100 % қарши 0 – 0% Бетараф 0 – 0 %	Ёқлаган 622723 – 100 % қарши 0 – 0% Бетараф 0 – 0 %
4-масала	5-масала	6-масала
Ёқлаган 622723 – 100 % қарши 0 – 0% Бетараф 0 – 0 %	Ёқлаган 622723 – 100 % қарши 0 – 0% Бетараф 0 – 0 %	Ёқлаган 622723 –100 % қарши 0 – 0% Бетараф 0 – 0 %
7-масала		

Ёқлаган 622723 – 100 %, қарши 0 –01% Бетараф 0 – 0 %, Овоз бермади 0 – 0 %	
8-масала	
8.1. Абдурахманов Музаффар Мирзарахимович	622723 та овоз
8.2. Акбарходжаев Лазизхон Туралович	622723 та овоз
8.3. Талипджанов Нодир Вахидович	622723 та овоз
8.4. Исройилов Абдулазиз Абдусаттарович	622723 та овоз
8.5. Тулаганов Фарход Файзуллаевич	622723 та овоз
8.6. Камолов Толмас Каримович	622723 та овоз
8.7. Халилова Наргиза Баяровна	622764 та овоз
8.8.Холматова Тамара Тургунбаевна	0 та овоз
9-масала	
9.1.Абдухаликова Барно	622723 та овоз
9.2.Ким Олег Викторович	622723 та овоз
9.3.Мирасулов Абдухамид	622723 та овоз
10-масала Ёқлаган 622723 – 100 % қарши 0 – 0% Бетараф 0 – 0 %	
11-масала Ёқлаган 622723 –100 % қарши 0 – 0% Бетараф 0 – 0 %	
12-масала Ёқлаган 622723 – 100 % қарши 0 – 0% Бетараф 0 – 0 %	
13-масала Ёқлаган 622723 – 100 % қарши 0 – 0% Бетараф 0 – 0 %	
14-масала Ёқлаган 622723 – 100 % қарши 0 – 0% Бетараф 0 – 0 %	
15.1. -масала Ёқлаган 622723 – 0 % қарши 0 – 0 % Бетараф –0 %	

Раислик құлувчи күн тартибидаги барча масалалар күпчилик овоз билан қабул қилинганини билдири. Саноқ хайъати баённомаси бир овоздан тасдиқланды.

КУН ТАРТИБИДАГИ БАРЧА МАСАЛАЛАР АТРОФЛИЧА МУХОКАМА ҚИЛИНИБ ҚАРОР ҚИЛИНДИ:

1. «Юнусобод дәхқон бозори» акциядорлик жамияти ижроия органды ҳамда Кузатув кенгашининг йиллик ҳисоботи ва улар томонидан жамиятни ривожлантириш стратегиясига эришиш бўйича кўрилаётган чора-тадбирлар тўғрисидаги ҳисоботлари тасдиқлансан. (Ёқлаган-622723 –100 %, Қарши 0 – 0 %, Бетараф 0 – 0 %).

2. Жамиятнинг 2019 йил якуни бўйича молиявий-хўжалик фаолияти юзасидан «AUDIT-RUMANS» МЧЖнинг 2020 йил 09 мартағи ижобий аудиторлик хulosасига инобатга олинсин. (Ёқлаган 622723 – 100 %, Қарши 0 – 0 %, Бетараф 0 – 0 %).

3. Жамият Тафтиш комиссиясининг 2019 йил якуни бўйича ўз ваколати доирасига кирган масалалар, шу жумладан жамиятни бошқаришга доир қонун хужжатларида белгиланган талабларга риоя этилиши юзасидан хulosаси инобатга олинсин ва тасдиқлансан. (Ёқлаган 622723 – 100 %, Қарши 0 – 0 %, Бетараф 0 – 0 %).

4. Жамиятнинг 2019 йил якуни бўйича йиллик ҳисоботи инобатга олинсин ва тасдиқлансан. (Ёқлаган 622723 – 100 %, Қарши 0 – 0 %, Бетараф 0 – 0 %).

5. Жамиятнинг 2019 йил молиявий-хўжалик якуни бўйича фойда ва заарлар ҳисобвараги тасдиқлансан.

5.1.Жамиятнинг 2019 йил молиявий-хўжалик якунлари бўйича 369167.6 минг сўм микдордаги олинган соғ фойданинг 95 % қисми яъни 350709.2 минг сум акциядорларга дивидент сифатида ва колган 5% қисми, яъни 18458.4 минг сўм жамиятнинг захира жамғармасига йўналтирилсан (Ёқлаган 622723 – 100 %, Қарши 0 – 0 %, Бетараф 0 – 0 %).

6. Жамиятнинг 2020 йилга мўлжалланган «Бизнес-режа»си ва “Даромадлар ва харажатлар сметаси режаси” иловага мувофиқ тасдиқлансан. Бунда айрим ҳолларда асослантирилган ҳолларда Кузатув кенгаши томонидан сметага ўзгартириш киритиши мумкинлиги белгилансин. Жамият ижроия органдига «Бизнес режа» ва Даромадлар ва харажатлар сметаси режаси” параметрларини тўлиқ бажариш чораларини кўриш юклатилсан. (Ёқлаган 622723 –100 %, Қарши 0 – 0 %, Бетараф 0 – 0.0 %).

Жамиятнинг бизнес режасида жамият томонидан қонунчиликда кўрсатилган тартибда хужжатларни расмийлаштирган ҳолда савдо дўконларини ташкил этиш тўғрисидаги таклифи инобатга олинсин.

7. “Юнусобод дехкон бозори” АЖ директори этиб Убайдуллаев Алишер Зинатуллаевич 2020 йил якуни бўйича утказиладиган умумий йигилишгача сайлансин.

7.1. Кузатув кенгаши раиси билан Убайдуллаев Алишер Зинатуллаевич меҳнат шартномаси имзолансин. (Ёқлаган 622723 – 100 %, Қарши 0 – 0 %, Бетараф 0 – 0 %).

8. Жамият Кузатув Кенгаши аъзолигига кумулятив овоз бериш йўли билан қўйидагилар сайлансин:

8.1. Абдурахманов Музаффар Мирзарахимович	622723 та овоз
8.2. Акбарходжаев Лазизхон Турапович	622723 та овоз
8.3. Талипджанов Нодир Вахидович	622723 та овоз
8.4. Камолов Толмас Каримович	622723 та овоз
8.5. Исроилов Абдулазиз Абдусаттарович	622723 та овоз
8.6. Тулаганов Фарход Файзуллаевич	622723 та овоз
8.7. Халирова Наргиза Баяровна	622723 та овоз

9. Тафтиш комиссиясига Абдухаликова Барно Сайдаминовна, Ким Олег Викторович ва Мирасулов Абдухамид сайлансин. (Ёқлаган 622723 – 100 %, Қарши 0 – 0 %, Бетараф 0 – 0 %).

10. Корпоратив бошқарув тизимини баҳолаш натижалари қабул қилинсин ва жамият кузатув кенгаши хамда ижроия органига аниқланган камчиликларни бартараф этиш вазифаси юклатилсан. (Ёқлаган 622723 – 100 %, Қарши 0 – 0 %, Бетараф 0 – 0 %).

11. Жамиятнинг ташкилий тузилмасига ўзгартиришлар киритилсин ва қайта тасдиқлансан. (Ёқлаган 622723 – 100 %, Қарши 0 – 0 %, Бетараф 0 – 0 %).

12. Жамиятнинг янги таҳрирдаги Устави тасдиқлансан ва ўрнатилган тартибда қайта рўйхатдан ўтказилсан. (Ёқлаган 622723 – 100 %, Қарши 0 – 0 %, Бетараф 0 – 0 %).

13. Жамиятнинг “Умумий йигилиши ҳақида”ги Низомига ўзгартиришлар киритилсан ва тасдиқлансан. (Ёқлаган 622723 – 100 %, Қарши 0 – 0 %, Бетараф 0 – 0 %).

14. Жамиятнинг “Кузатув кенгаши ҳақида”ги Низомига ўзгартиришлар киритилсан ва тасдиқлансан. (Ёқлаган 622723 – 100 %, Қарши 0 – 0 %, Бетараф 0 – 0 %).

15. Жамиятнинг 2020 йил фаолияти учун жамият Аудитори этиб “AUDIT-RUMANS” МСНJ аудиторлик ташкилоти тасдиқлансан ва унга тўланадиган ҳақининг энг кўп чегараси 5.500.000 сўм миқдори этиб белгилансин. (Ёқлаган 622723 – 100 %, Қарши 0 – 0 %, Бетараф 0 – 0 %).

Баённома имзоланган сана: « » май 2020 йил.

Йигилиш раиси

Т.Камолов

Котиб

Э.Б.Кучаров